

## MICROTUS ILAEUS OZIQLANIШИ ВА КЎПАЙИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/QAXAI/1105>

Ешчанова Сайёра Шукурилла кизи, Сагирбаева Зарина Юрьевна

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Мираметова Эльмира Кошмахамбетовна

Қорақалпоқ давлат университети, Экология ва тупроқшунослик кафедраси доценти

### ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада *Microtus ilaeus* турининг озиқланиш ва кўпайиш биологиясининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида турнинг озиқ рацион таркиби мавсумлар бўйича таҳлил қилиниб, ёз фаслида яшил ўсимликлар, қиш фаслида эса ўсимликларнинг ер ости қисмлари асосий озуқа манбаи эканлиги аниқланди. Шунингдек, турнинг сув ва сув-ботқоқ экотизимларига мослашганлиги ҳамда популяциясининг сақланиб қолишида озиқланиш стратегияларининг аҳамияти баҳоланди. Олинган натижалар мазкур турнинг экологик хусусиятларини аниқлаш ва уни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** *Microtus ilaeus*, кемирувчилар, озиқланиш биологияси, кўпайиш биологияси, сув-ботқоқ экотизимлари, популяция, мавсумий ўзгаришлар, озиқ рацион, экологик мослашув, биологик хилма-хиллик.

Глобал иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнларининг кучайиши ҳамда сув ресурсларининг қисқариши табиий экотизимлар таркиби ва биологик хилма-хилликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, сув ва сув-ботқоқ экотизимларида яшовчи майда сутэмизувчилар популяцияларининг ҳолатини ўрганиш бугунги кунда долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

*Microtus ilaeus* тури сув ҳавзалари ва нам биотоплар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган тур сифатида экотизимларда модда ва энергия алмашинувида муҳим ўрин тутди. Унинг озиқланиш хусусиятлари, кўпайиш биологияси ва популяция динамикасини ўрганиш сув-ботқоқ экотизимларининг экологик ҳолатини баҳолаш ҳамда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда *Microtus ilaeus* популяциясининг юкори бўлмаган микдори қайд этилган бўлиб, яшаш ҳудудлари асосий характерга эга. *Microtus ilaeus* озиқланган ўсимлик қолдиқларини ўрганиш натижасида маълум бўлишича, озуқавий манбалар асосан барглар, поя ва уруғлардан иборат.


*Microtus ilaeus* асосан сув ва сув-ботқоқ ўсимликлари билан озиқланади, ва шу хусусият бу турни сув бўйида яшашга мослашганлигини яна бир маротаба исботлайди. Шу билан бирга у сув ва сув-ботқоқ ўсимликларининг (камиш, қўғ, қиёқ ўт ва бошқ.) ер ости қисмлари билан ҳам озиқланади.

*Microtus ilaeus* ошқозони ичидаги нарсалар (58 экз.), ҳамда уясининг (92 экз.) кириш қисмида учрайдиган егулик қолдиқларини таҳлил қилганимизда, *Microtus ilaeus* ёзги озуқаларига ҳар хил турдаги бошоқли экинлар – 21%, ошқозоннинг 63% - асосан ўсимликларнинг турли яшил қисмлари билан тўлган, қолган қисми (16%) – ўсимликлар ер ости қисмларининг қолдиқлари (3.4. расм). Қишқи даврда эса, ошқозон ичидаги нарсаларни таҳлил қилганимизда (35 экз.), асосий қисм ўсимликларнинг ер ости қисмлари қолдиқлари

(70%), колганлари уруғлар ва пояларга, мос равишда, 15% ни ташкил етган.

Мутахассисларнинг фикри ва тадқиқот кузатишларга кўра, *Microtus Ilaeus* кўға, камиш, кийк ўт, қашқарбеда, вейник каби сув-ботқоқ ўсимликларининг барглари, поялари ва уруғлари билан ҳам яхши озикланади [2].

*Microtus Ilaeus* популяциясининг табиий яшаш шароитларида кўпайиши ва ривожланиши бўйича маълумотлар жуда кам. Реймов, Карабеков (1969) нинг маълумотларига кўра (1969), Қуйи Амударё дельтасида *Microtus Ilaeus* популяциясининг кўпайиши апрель ойидан бошланиб йилнинг бутун иссиқ даври бўйича давом этади (ноябрь ойининг охиригача). *Microtus Ilaeus* урғочисининг бир вақтдаги туғиши 2 дан 6 эмбрионгача ўзгарган, бунинг ўртачаси – 4 эмбрион [3,4].



**1 - расм. Йил фаслига боғлиқ холда *Microtus Ilaeus* озикланиш рационининг нисбати**

М.И. Мейер (1971), тажриба шароитларида *Microtus Ilaeus* популяциясининг кўпайиши ва ривожланишини ўргана туриб, қайд этишича, *Microtus Ilaeus* йил бўйи кўпаяди [8]. Бир вақтдаги туғишларнинг катта микдори қишда, кам микдори эса ёзда деб белгилаган (3.5-расм).

Бир вақтда туғишдаги болалар сони йил фасллари бўйича унча фарқ қилмайди (бир вақтда туғишдаги болаларнинг ўртача сони 3,0-3,4, умумий микдорда эса 1 дан 7 донагача).

Тадқиқот натижалари *Microtus ilaeus* турининг озиқланиш хусусиятлари мавсумларга қараб сезиларли даражада ўзгаришини кўрсатди. Ёз фаслида озиқ рационининг асосий қисмини яшил ўсимликлар (63 %) ташкил этиб, турли бошоқли ўсимликлар (21 %) ва ўсимликларнинг ер ости қисмлари (16 %) қўшимча озуқа манбаи сифатида хизмат қилди. Қиш фаслида эса рацион таркибида ўсимликларнинг ер ости қисмлари устунлик қилиб, умумий озуқанинг 70 % ни ташкил этди, уруғлар ва поялар эса 15 % дан улушга эга бўлди.

Олинган маълумотлар *Microtus ilaeus* нинг сув ва сув-ботқоқ экотизимларига яхши мослашганлигини ҳамда озиқ ресурсларининг мавсумий ўзгаришларига нисбатан юқори адаптив хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди. Турнинг асосан қамишзорлар, кўғазорлар ва бошқа нам биотопларда учраши унинг экологик жиҳатдан ихтисослашган тур эканлигини кўрсатади. Шунингдек, *Microtus ilaeus* популяцияларининг ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш, уларнинг озиқланиш ва кўпайиш биологиясини чуқур ўрганиш сув-ботқоқ экотизимларининг биологик хилма-хиллигини сақлаш ва баҳолашда муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Богданов А.С. Млекопитающие Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1965. – 412 с.
2. Громов И.М., Ербаева М.А. Млекопитающие фауны России и сопредельных территорий. Зайцеобразные и грызуны. – Санкт-Петербург: ЗИН РАН, 1995. – 522 с.
3. Слудский А.А. Грызуны Казахстана. Том 1. – Алма-Ата: Наука, 1977. – 368 с.
4. Флинт В.Е., Чугунов Ю.Д., Смирин В.М. Млекопитающие СССР. – Москва: Мысль, 1970. – 437 с.
5. Яхонтов В.В. Экология грызунов Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1979. – 285 с.
6. Абдурахмонов Г.М. Зоология умуртқали ҳайвонлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 312 б.
7. Мамбетжанов А.М., Алламбергенов А.А. Қорақалпоғистон ҳайвонот олами. – Нукус: Қорақалпоғистон, 2018. – 256 б.
8. Nowak R.M. Walker's Mammals of the World. 6th Edition. – Baltimore: Johns Hopkins University Press, 1999. – 1936 p.